

GOOGLE SITES ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АХБОРОТ ВА ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Яхшибоева Д.Э., Эрметов Э.Я.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация. Google Sites хизматидан фойдаланган ҳолда тиббиёт институтларида фанлар бўйича ахборот ва ўқув ресурсларини ишлаб чиқиш жараёнининг умумий кўриниши кўриб чиқилган. Ушбу мақолада талабаларнинг тиббиёт соҳасида таълим олишларини ривожлантиришга қаратилган интерактив ва қизиқарли таълим жараёнини яратиш учун зарур бўлган асосий қадамлар ва воситалар муҳокама қилинади. Таълимни янада самарали ва интерактив қилиш учун видеодарслар, тестлар, викториналар ва муҳокама форумлари каби турли элементларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Фойдаланиш имконияти, мослашувчанлик ва ҳамкорлик каби таълим ресурсларини яратишда Google Sayt ларидан фойдаланиш афзалликларини ўрганади. Бу мақола ўқитувчилар, талабалар ва таълим жараёнини ишлаб чиқувчиларга, шунингдек, замонавий ўқитиш усуллари ва таълимда ахборот технологияларидан фойдаланишга қизиққан ҳар бир кишига қаратилган.

Калит сўзлар: ахборот ва таълим ресурси, Google sayt, таълим жараёни, интерактив элементлар, видео дарслар, интерактивлик, веб-сайт, Google Forms

Замонавий таълимда ахборот ва таълим ресурслари талабаларни ўқитиш ва таълим сифатини оширишда асосий ўрин тутаяди. Ҳозирги кунда технологияларни ривожланиши билан таълим соҳасида фанларни самаралироқ ўрганиш ва билим алмашишни осонлаштирадиган турли хил онлайн ресурсларни яратиш ва улардан фойдаланиш имкониятига эгамиз. Шулардан бири бу Google Sites платформасидан фойдаланилган ҳолда тиббиёт олий ўқув юртиларидаги фанлар бўйича ўқув ресурсларини яратиш ҳисобланади.

Тиббиёт йўналиши бўйича ресурсини яратиш талабаларга ушбу соҳадаги асосий кўникмаларни эгаллашда ёрдам беради, шу билан бирга уларнинг мустақил таълим олишларига учун замонавий маълумотлар ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратади. Профессор-ўқитувчилар учун бу ўқув жараёнини ташкил этиш, материалларни тарқатиш ва талабалар билан мулоқот қилиш воситасига айланади. Бундан ташқари талабалар бу ресурслардан билим олиш ва мустақил таълим учун ундан самарали фойдаланишлари мумкин бўлади.

Google Sites дан фойдаланган ҳолда тиббиёт соҳаси бўйича ахборот ва таълим ресурсларини ишлаб чиқиш барча соҳадаги ахборот ва таълим мазмунига киришни таъминлаш учун ажойиб ғоя ҳисобланади. Бундай ресурсларни тайёрлаш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

1. Ресурс мақсадини аниқлаш. Масалан, Одам анатомиясига кириш, фанни ўрганиш усуллари, фанни ўрганиш бўйича замонавий тенденциялар ва бошқалар. Фанни бир нечта бир нечта бўлимларга ажратиш, ёки курслар бўйича ўтиладиган фанларни ажратиш.

2. Google сайтларида веб сайт яратиш. Google Sites (<https://sites.google.com/>) сайтга ўтиш ва ўзимизни Google даги аккаунтимизга кирамиз. “Создать” тугмасини босамиз ва яратиладиган сайтмиз учун шаблон танлаймиз. Сарлавҳа, URL ва мавзу учун асосий сайт созиламаларин созлаймиз. Саҳифа ва навигация менюларини қўшиш учун Google Sites функцияларидан фойдаланиб, контентингиз учун бўлимлар яратилади.

3. Ҳар бир мавзу, фан бўйича маълумотлар берувчи дарслик, қўлланмалар ва интернет манбалари ёзилади. Контентимизни яхшилаш учун тасвирлар, видеолар, аудиолар, презентациялар ва бошқа ахборот манбаларини жойлаштириш. Синовлар, сўровлар ёки ўз-ўзини синаш учун интерактив элементларни қўшишимиз мумкин.

4. Веб-сайтни компьютер, планшетлар ва мобил телефонлар каби турли қурилмаларда кўриш учун оптималлаштирилади. Фойдаланувчилар савол беришлари ёки манбалар ҳақида ўз фикрларини ёзиши учун мулоҳаза функциясини қўшиш мумкин.

5. Сайтимизни яратишни тугаллагач, уни фойдаланувчилар учун очиқ қилиш лозим. Ижтимоий тармоқлар, гуруҳлар ва бошқа каналлар орқали мақсадли аудитория учун ресурсларимиз ҳақида маълумотлар тарқатиш.

Google сайтларидан фойдаланган ҳолда фанлар бўйича таълим ресурсларини яратиш қизиқарли ва фойдали лойиҳа бўлиб, ўз билимларимизни бошқалар билан баҳам кўриш ва талабаларга фанлар бўйича қизиқарли маълумотлар олишга ёрдам беради.

Google Sites ёрдамида интерактив элементлар яратиш гуруҳ талабалари учун таълим олиш тажрибасини сезиларли даражада яхшилайтиди. Буни амалга ошириш учун Google Sites нинг қуйидаги имкониятларидан фойдаланишимиз мумкин:

1. YouTube ёки бошқа видео хостинг платформаларига видео дарсликларни юклаш. Google Sites иловасига жойлаштириш функциясидан фойдаланиб, видеоларни сайтдаги саҳифаларга жойлаштириш. Талабалар қулай фойдаланишлари учун мавзуларга мувофиқ видео дарсларни ташкил қилиш.

2. Тест ёки сўровнома яратиш, бунинг учун Google Forms дан фойдаланамиз. Google Sites иловасига тест ёки сўровномаларни сайт саҳифаларига жойлаштириш. Талабалар тест

ёки сўровномаларни тугатгандан сўнг натижаларни бевосита веб-сайтимизда ёки Google Forms ичида кўришларини таъминлаш.

3. Веб-сайтимизда муайян мавзулар ёки дарсларни муҳокама қилишга бағишланган саҳифа яратиш. Саволлар бериш, муҳокама қилиш учун мавзуларни таклиф қилиш ва фойдали материалларни алмашиш орқали талабаларни муҳокамаларда фаол иштирок этишга ундаш.

4. Google Docs ёки Google Slides ёрдамида интерактив машқлар яратиш. Сайтдаги саҳифаларга машқлар ҳаволаларини жойлаштириш ва талабаларни машқларни тўғридан-тўғри сайтни ўзида бажаришга ундаш, фикр-мулоҳаза қилиш.

Сайт саҳифаларига интерактив элементларни қўшиш учун Google Sites нинг ўрнатилган гаджетларидан (масалан: Тавқим, Харита, тақдимот ва бошқалар) фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Google Sites хизматидан фойдаланган ҳолда тиббий таълим бўйича ахборот ва таълим ресурсларини ишлаб чиқишнинг асосий мақсади ва афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- Google Sites платформасида ахборот ва таълим ресурсини яратиш талабалар ва педагоглар учун таълим маъмунидан кенг фойдаланиш имконини беради. Фойдаланувчилар Интернетдан фойдаланган ҳолда дунёнинг исталган нуқтасида туриб ўқув материаллари ва ресурсларидан осонгина фойдаланишлари мумкин.

- Ўрнатилган видео дарсликлар, тестлар, сўровлар ва муҳокама форумлари каби интерфаол элементлардан фойдаланиш талабалар учун таълим олишда янада қизиқарли бўлади. Бу ўқув материалларини самарали ўрганишга ва мустақил таълим олишга ижобий ёрдам беради.


- Google Sites таълим эҳтиёжлари ва талабларига мувофиқ мавзуни осонгина ўзлаштириш ва янгилаш имконини беради. Бу эса ресурсларни турли билим даражаларига ва талабаларнинг индивидуал эҳтиёжларига мослаштириш имконини беради.

- Бундай технологиялар талабалар ва ўқитувчиларга лойиҳалар устида ҳамкорлик қилиш, билим ва тажриба алмашиш имконини беради, ҳамда жамоавий ўрганиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

- Google Sites ахборот-таълим ресурсини ишлаб чиқиш таълимнинг замонавий талаблари ва тенденцияларига жавоб беради. Бу замонавий ахборот жамиятида самарали ва сифатли таълим олишга ёрдам берувчи инновацион ёндошув ҳисобланади.

Шундай қилиб, Google Sites хизматидан фойдаланган ҳолда тиббий фанлари бўйича ахборот-таълим ресурсини ишлаб чиқиш талабалар ва ўқитувчилар учун қулай, интерактив ва сифатли таълим яратишнинг самарали усули ҳисобланади. Ушбу ёндошув компьютер саводхонлигини ривожлантиришда, тиббиёт институтларида махсус фанларни ўқув

материаллари билан фаол ўзаро муносабатда бўлишга ва замонавий жаҳон талабларига муваффақиятли мослашишга ёрдам беради.



Адабиётлар.

1. Базарбаев М.И., Эрметов Э.Я., Сайфуллаева Д.И., Яхшибоева Д.Э. Использование медиатехнологии в образовании. Журнал гуманитарных и естественных наук, Тошкент, 2023, №6 (12) Vol.1. с.94-100.

2. Базарбаев М.И., Эрметов Э.Я., Сайфуллаева Д.И., Таълимда ахборот технологиялари. Дарслик, Тошкент, 2018, 453 с.

3. Эрметова С.И. Эрметов Э.Я., Икрамов У., Каримов Х.А., Мастибеков Н. Прикладные программы, обеспечивающие обучение на расстоянии. Масофадан ўқитиш техника ва технологияси. Халқаро илмий-амалий конференция, 2002, с.183.

4. Эрметов Э.Я. Тиббий таълимда виртуал ўқув платформасидан фойдаланиш самарадорлиги. Oliy tibbiy ta'lim sifatini oshirishda erishilgan yutuqlar va rivojlantirish istiqbollari". Toshkent tibbiyot akademiyasi "Axborotnomasi" maxsus soni. Tashkent, 2024. С.116.

5. Эрметов Э.Я., Яхшибоева Д.Э., Махсудов В.Г. Соғлиқни сақлашда ИТ – технологиянинг аҳамияти. Сборник материалов конференции Вопросы биофизики в медицине, 2023, с.233-237

6. Базарбаев М.И., Эрметов Э.Я., Сайфуллаева Д.И. Информационные технологии в образовании. Учебник, Ташкент, 2022, с.453.

7. Стивен Хаукинс. Google Сайт: Как Создать Эффективный Информационно-Образовательный Ресурс. Издательство: Информационно-Образовательные Технологии, 2020.

8. Иванов. Д. Информационные Технологии в Образовании: Теория и Практика. Издательский Дом "Просвещение", 2021.
9. Элизабет Кларк. Создание Образовательного Сайта на Google Sites: Руководство для Преподавателей. ООО "МегаКнига", 2018.
10. Смирнов. А. Облачные Технологии в Образовании: Инновации и Перспективы. Наука и Образование, 2022.